

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШЕВ ШЕРЗОД ЭРГАШЕВИЧ**

**ИККИ ЎҚИ БЎЙИЧА ҚЎЗГАТИЛАДИГАН СИНХРОН  
ГЕНЕРАТОРЛАРНИНГ НОСИММЕТРИК ҚИСҚА ТУТАШИШ  
РЕЖИМЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Тошев Шерзод Эргашевич**

Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг  
носимметрик қисқа туташиб режимларини таҳлил қилиш ва  
моделлаштириш .....

3

**Тошев Шерзод Эргашевич**

Анализ и моделирование режимов несимметричных коротких замыканий  
синхронных генераторов двухосного возбуждения .....

20

**Toshev Sherzod Ergashevich**

Analysis and modeling of asymmetrical short circuit of synchronous  
generators of biaxial excitation .....

37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШЕВ ШЕРЗОД ЭРГАШЕВИЧ**

**ИККИ ЎҚИ БЎЙИЧА ҚЎЗГАТИЛАДИГАН СИНХРОН  
ГЕНЕРАТОРЛАРНИНГ НОСИММЕТРИК ҚИСҚА ТУТАШИШ  
РЕЖИМЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ташкент – 2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.2.PhD/T276 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пирматов Нурали Бердиёрович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камолов Тулаган Сирожидинович  
техника фанлари доктори, профессор

Арипов Назиржон Мукарамович  
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва кишлок  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "16" 12 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (186 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-03-41

Диссертация автореферати 2020 йил "04" 12 да тарқатилди.  
(2020 йил "04" 12 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси  
техника фанлари доктори, профессор, академик

О.Х.Ишназаров

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

И.М.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда электр энергетикани ривожлантиришнинг замонавий талаби истеъмолчиларни электр энергия билан таъминлаш ишончилигини ошириш, тизимда электр энергия мувозанатини сақлашга эришиш учун электр энергетика соҳасини ривожлантириш стратегиясида, электр энергия ишлаб чиқарадиган генераторларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...электр энергия ишлаб чиқарувчи икки ўқи бўйича кўзгатиладиган синхрон генераторлар устида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда»<sup>1</sup>. Бу борада жумладан, электр энергия ишлаб чиқарувчи икки ўқи бўйича кўзгатиладиган синхрон генераторларнинг носимметрик қисқа туташиб режимларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш тизимларида юз берадиган ўткинчи жараёнларни ўрганиш, тизим турғунлигини сақлаб қолишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, электр энергия ишлаб чиқарувчи генераторларни такомиллаштириш билан носимметрик иш режимларини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, электр станциялари, электр узатиш тармоқларидаги ўткинчи жараёнлар вақтида шикастланишларсиз, сифатли электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган энергетика соҳасидаги синхрон генераторларни ўткинчи жараёнлар вақтида бошқариш муаммолари, бунда биринчи навбатда генераторларнинг шикастланишларсиз электр энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ва жорий қилиш чоратадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда, жумладан, генераторларнинг носимметрик иш режимларида бешикаст ишлашини, электр энергияни истеъмолчиларга етказиб беришнинг узлуксизлигини, электр энергиянинг сифатини, тизимнинг турғунлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup><http://www.energetik.energy-journals.ru/index.php/EN/article/view/367>,

[http://ozlib.com/839900/tehnika/sinhronnye\\_mashiny\\_prodolno\\_poperechnogo\\_vozbuzhdeniya](http://ozlib.com/839900/tehnika/sinhronnye_mashiny_prodolno_poperechnogo_vozbuzhdeniya)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши қисман хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Электр энергия ишлаб чиқарувчи станциялардаги турбогенераторларнинг носимметрик иш режимлардаги, ўткинчи жараёнларда юз берадиган авария ҳолатларини бартараф этиш борасида бажарилаётган илмий ишлардан бири, икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик режимларини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан California Institute of Technology (АҚШ), University of Michigan (АҚШ), University of Waterloo (Канада), Tokyo technology institute (Япония), Polytechnic University of Milan (Италия), Бутун Россия электроэнергетика илмий-тадқиқот институти (ВНИИЭ, Россия), Миллий тадқиқот униерситети (МЭИ, Россия) ва ТошДТУи «Электр машиналари» кафедрасида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генератор ва асинхронлаштирилган синхрон генератор ривожига ҳамда уларни бошқариш ва амалий фойдаланишнинг замонавий назариясини яратишда проф. М.М.Ботвинник катта ҳисса қўшган, унинг ташаббуси ва раҳбарлиги остида, бу ишлар 1955 йилда бошланган ва унинг издоши проф. Ю.Г.Шакарян бу ишларни давом эттирган. Асинхронлаштирилган генераторларни жорий қилиш бўйича ишларни амалга ошириш 60-йилларда бошланди, бу борада қилинган асосий ишлардан Иова ГЭСсида (Колэнерго) ҳар бири 40 МВт қувватга эга 2 та асинхронлаштирилган гидрогенераторни ишга тушириш бўлди. Ўтказилган тадқиқотлар назарияси ва амалиётига Н.И.Блоцкий, Н.Н.Щедрин, И.А.Радин, А.И.Лабунец, А.П.Лохматов, Л.Г.Мамиконянц, И.М.Постников, В.В.Попов, Н.И.Соколов, И.Д.Урусов, Е.А.Каспаров, М.С. Morsy, Н.Н. Amer, В.В. Hogg, S. Raman, J.C.Clare, A.Kahn, L.M.Ricardo, R.M.Sebastian, шунингдек, мамлакатимиз олимлари М.Г. Ахматов, Қ.Р.Аллаев, Н.Б.Пирматов, О.Г.Одилов, Ж.С. Салимов, Л.В.Ковешникова ва бошқалар томонидан катта ҳисса қўшилган.

Сезиларли муваффақиятларига қарамай, икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташини режимлари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда икки ўқи бўйича

кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташуш режимларини ўрганиш учун физик, математик ва MatLab дастуридаги моделлари ишлаб чиқилган ҳамда носимметрик қисқа туташув режимлари атрофлича таҳлил қилиниб, ечимлари таклиф этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетиде амалга оширилган А-3-65 рақамли «Вентилятор типидеги юклама механизмлар юритмасидеги асинхрон моторларни такомиллаштириш ва иш режимларини оптималлаш» (2015-2017йй.) мавзусидеги илмий тадқиқот иши режаси доирасиде бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генератор носимметрик қисқа туташув (бир фаза, икки фаза, икки фаза нол) режимларидаги токлари, очик фазадаги ўта кучланишларини моделлаштириш ва таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларидаги токлари ва бу вақтда очик фазадаги ўта кучланишларни таҳлил қилиш ва математик моделлаштириш;

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини ҳисоблаш методикаси ва алгоритмини ишлаб чиқиш;

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини имитацион моделлаштириш;

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини тадқиқ қилиш тажриба моделини яратиш ва тадқиқот олиб бориш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ИЭСдаги турбогенератор ҳамда ГЭСдаги гидрогенератор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимлари назарияси, Парк – Горев дифференциал тенгламалари, симметрик ташкил этувчилар усули, носимметрик қисқа туташув режимларини математик ва MatLab дастурида моделлаштириш, олинган маълумотларни таққослаш ва қайта ишлашда математик статистика қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг дифференциал тенгламалари асосиде носимметрик қисқа туташув режимларининг математик модели ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув токлари ва очик фазадаги ўта кучланишларни ҳисоблаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича кўзғатиладиган синхрон генератор носимметрик қисқа

туташув режимларининг имитацион модели ишлаб чиқилиб олинган катталиклар физик, математик модел натижалари билан таққосланиб, тузилган моделларининг бир-бирига мослиги асосланган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини тадқиқ қилиш тажриба модели яратилиб ток, кучланиш, ҳаво оралиғидаги магнит индукциялар тажриба асосида таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторни лойихалашда, оптимал катталикларини аниқлаш учун носимметрик қисқа туташув режимларининг математик модели ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини таҳлил қилиш учун ҳисоблаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилган;

ҳар хил қувватли икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг носимметрик қисқа туташув режимларини тез ва кам маблағ сарфлаб тадқиқ қилиш учун математик, имитацион модели ишлаб чиқилган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимини тадқиқ қилиш тажриба модели яратилди.

**Олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** носимметрик қисқа туташув режимларининг физик, математик ва MatLab дастуридаги моделлари ёрдамида олинган натижалар ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришда қўллашга қабул қилинганлиги орқали асосланганлиги, кўп сонли назарий ва тажрибавий тасдиқлаш натижаларининг мос келиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, носимметрик қисқа туташув режимларида ананавий синхрон генераторларга нисбатан икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг ишлаш самарадорлигининг ошиши, зарбавий катталикларининг 20-35% кичиклиги, ўткинчи жараёнларнинг тез сўниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари электр станцияларда фойдаланилаётган синхрон генераторларда текширилганлиги туфайли, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор учун ишлаб чиқилган усуллардан ҳар-хил қувватли турбо ва гидрогенераторларнинг носимметрик қисқа туташув режимларини таҳлил қилишда шу билан биргаликда иш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг носимметрик қисқа туташув режимларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор “Сирдарё” ИЭСда турбогенератор ва “Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади” да гидрогенератор тавсия



кўринишида жорий этилган (“Ўзбекэнерго” АЖнинг 2018 йил 15 октябрдаги РМ-01-21/5509-сон ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2019 йил 26 июндаги 04-05/1539-сон маълумотномалари). Натижада 186 013 100 сўмлик иқтисодий самарадорликни олиш имконини берган;

икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор жорий этилганда носимметрик қисқа туташув режимлари туфайли турбо ҳамда гидрогенераторларнинг синхронизмдан чиқиб кетишининг олдини олган. Натижада ананавий синхрон генераторни ўчирилган вақтлардаги йўқотилиши керак бўлган электр энергияни сақлаб қолиш билан техник-иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган;

ИЭС ва ГЭСларда икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор жорий этилиши носимметрик қисқа туташув режимларида қисқа туташув катталикларини 20-35% камайтирган. Натижада носимметрик қисқа туташув режимларида генераторларнинг шикастланиш ҳолатларини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 2 та хорижий ва 5 та республика анжуманларида апробациядан ўтди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақолалар, жумладан 5 та республика ва 1 та чет эл илмий журналида, 1 та Scopus рўйхатидаги журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ишнинг **кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг зарурлиги ва долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва асосий кўриладиган масала ҳамда Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиянинг ривожланиш йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, илмий ишларнинг чоп этганлиги ҳақида ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Синхрон генератор носимметрик қисқа туташуш режимларининг замонавий ҳолати таҳлили”** деб номланган биринчи бобида электр энергия ишлаб чиқарувчи синхрон генераторларнинг носимметрик иш режимлари Ўзбекистон Республикаси ва дунёда қандай шикастланишларга сабабчи бўлаётганлигини, ишлаб чиқарилаётган электр энергия сифати, турғунлигига таъсири ҳамда қайси йўллар билан бартараф қилинаётганлиги таҳлил қилинган.

Синхрон генераторларнинг носимметрик қисқа туташуш режимлар бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда изланишлар олиб борган хорижий ва ўзбек олимларининг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинган бўлиб, тадқиқот объектининг тўлиқ тавсифи келтирилган.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, носимметрик қисқа туташуш режимлари бўйича адабиётлар ҳаволаси, носимметрик қисқа туташуш режимларида ток, ўта кучланиш, зарбавий моментлар, уларни ечишда фойдаланилаётган усуллари, синхрон генератор моделлари ва тенгламалари икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор (ИЎБҚСГ) учун кўриб чиқилмаган. Носимметрик иш режимлари бўйича илмий изланишлар олиб борган ва бораётган олимларининг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинганда, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор носимметрик қисқа туташуш режимлари ўрганилмаган.

Икки ўқи (бўйлама ва кўндаланг ўқи) бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларни ўрганиш бўйича асосий муаммоларнинг қисқача таснифи келтирилган, ҳамда ноаён кубли синхрон генераторларнинг носимметрик қисқа туташуш режимлари кўриб чиқилган ва адабиётлар таҳлили асосида кўндаланг чулғамнинг хусусиятларини ўрганишнинг муҳим томонлари кўрсатилган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик иш режимларида қисқа туташуш тоқлари ҳамда шикастланмаган фазалардаги ўта кучланишлар ўрганилмаган. Шу билан бирга ИЎБҚСГнинг носимметрик қисқа туташуш режимларда ишлаш самарадорлигини аниқлаш ва бу режимларда зарбавий катталикларнинг илмий асосланган ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Олиб борилган ўрганишлар давомида носимметрик қисқа туташуш режимларини ҳисоблашнинг бир нечта усули таҳлил қилиниб, улардан симметрик ташкил этувчилар усулининг ижобий тарафлари кўрсатилган ва танланган. Симметрик ташкил этувчилар усули бир нечта ўзгарувчилар мавжуд носимметрик қисқа туташуш режимларидаги мураккаб масалани, соддароқ йўл билан аниқроқ ҳисоблаш имконини беради.

**“Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташуш режимларининг математик таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида ИЎБҚСГнинг носимметрик қисқа туташуш режимлари магнит юритувчи кучлари эгри чизиқлари ва симметрик ташкил этувчилар усулида таҳлили келтирилган. ИЎБҚСГ носимметрик қисқа туташуш режимлари аналитик ва сонли услублар билан тадқиқоти анализ қилиниб, таққосланган ҳолда баҳо берилган.

Бунинг учун симметрик ташкил этувчилар услуби қўлланилган, бу услуб ёрдамида электр машиналаридаги носимметрик қисқа туташуш режимларни тўлиқ ўрганиб чиқиш мумкин.

Симметрик ташкил этувчилар методини қўллаб барқарорлашган қисқа туташуш тоқларини аниқлаш мумкин:

бир фазали қисқа туташуш режимидаги ток

$$I_{KT1} = 3E_0/(x_d+x_2+x_0) \quad (1)$$

икки фазали қисқа туташуш режимидаги ток

$$I_{KT2} = \sqrt{3} E_0/(x_d+x_2) \quad (2)$$

уч фазали қисқа туташуш режимидаги ток

$$I_{KT3} = I_{KT} = E_0/x_d. \quad (3)$$

Бу тоқлар индуктив характерга эга бўлади.

Носимметрик қисқа туташуш характеристикаларидан ИЎБҚСГнинг  $x_2$  ва  $x_0$  параметрларини аниқлаймиз:

$$x_2 = \sqrt{3} E_0/I_{KT2} - E_0/I_{KT3}; \quad (4)$$

$$x_0 = 3E_0/I_{KT1} - \sqrt{3} E_0/I_{KT2}. \quad (5)$$

Энди симметрик ташкил этувчилар услуги ёрдамида қисқа туташув катталиклар ҳисобини кўриб чиқамиз:

Бунинг учун бизга 1 – жадвалда келтирилган салт ишлаш тавсифи керак бўлади.

**1-жадвал**

### Салт ишлаш катталиклари

Катталик	Ўлчов бирлиги	Қийматлар						
		$E_a$	<b>В</b>	73,7	127	153,7	168,9	177,8
	<b>н.б.</b>	0,58	1,0	1,21	1,33	1,40	1,46	1,51
$I_{fd} = I_{fq}$	<b>А</b>	2,5	5,0	7,5	10,0	12,5	15,0	17,5
	<b>н.б.</b>	0,5	1,0	1,5	2,0	2,5	3,0	3,5

Қисқа туташув режимида якорнинг магнитсизлаш хусусияти катта, шунинг учун машинанинг пўлат ўзаги тўйинмайди. Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб  $E_a = f(I_{fd} = I_{fq})$  боғланишни, қисқа туташувдаги якор ЭЮК ни кўзғатиш токига боғлиқлигини қуриш мумкин.

Бир неча математик амалларни бажариб қуйидаги боғланишни келтириб чиқариш мумкин  $E_a = 29,5I_d$ . Олинган боғланиш асосида ҳар бир қисқа туташув ҳоли учун якорда пайдо бўладиган ЭЮКни ҳисоблаб чиқамиз:

Бир фазали қисқа туташув учун:

$$E_{a1} = 29,5 \cdot I_{d1} = 29,5 \cdot 5,8 = 171,1 \text{ В}$$

Икки фазали қисқа туташув учун:

$$E_{a2} = 29,5 \cdot I_{d2} = 29,5 \cdot 3,82 = 112,7 \text{ В}$$

Уч фазали қисқа туташув учун:

$$E_{a3} = 29,5 \cdot I_{d3} = 29,5 \cdot 3,8 = 112,1 \text{ В}$$

Якор чулгамининг тўлиқ қаршилигининг тўғри кетма-кетлигини уч фазали қисқа туташув тажрибасидан ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$Z_1 = E_{a3} / I_{к.т.3} = 112,1 / 2,7 = 41,5 \text{ Ом}$$

Юқорида айтилганидек, икки фазанинг ўзаро қисқа туташувида тескари кетма-кетлик токи, тўғри кетма-кетлик токига тескари қиймат билан олинганига тенг ( $I_2 = -1,95A$ ). Нол кетма-кетлик токи нолга тенг ( $I_0 = 0$ ).

Бир фазали қисқа туташув. Тўғри кетма-кетлик токи:

$$I_1 = \frac{E_a}{Z_0 + Z_1 + Z_2} = \frac{127}{2,44 + 41,5 + 23,6} = 1,88A$$

Бир фазали қисқа туташувда токнинг тўғри, тескари ва нол ( $I_1 = I_2 = I_0 = 1,88A$ ) кетма-кетликлари ўзаро тенг.

Нол симдаги ток учала ташкил этувчининг йиғиндисига тенг:  $I_{к.т.0} = 3 \cdot I_1 = 3 \cdot 1,88 = 5,64 A$ .

Ушбу берилган машинанинг қаршиликлари ташкил этувчиларини аниқлаб, иш пайтида икки фазали нол қисқа туташувда статорда қандай тоқлар бўлишини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Тўғри кетма-кетлик токи:

$$I_1 = \frac{(Z_0 + Z_2) \cdot E_a}{Z_1 \cdot Z_2 + Z_1 \cdot Z_0 + Z_2 \cdot Z_0} = \frac{(2,44 + 23,6) \cdot 127}{979,4 + 101,3 + 57,6} = 2,91A$$

Тескари кетма-кетлик токи:

$$I_2 = \frac{-Z_0 \cdot E_a}{Z_1 \cdot Z_2 + Z_1 \cdot Z_0 + Z_2 \cdot Z_0} = \frac{-2,44 \cdot 127}{979,4 + 101,3 + 57,6} = -0,272A$$

Нол кетма-кетлик токи:

$$I_0 = \frac{-Z_2 \cdot E_a}{Z_1 \cdot Z_2 + Z_1 \cdot Z_0 + Z_2 \cdot Z_0} = \frac{-23,6 \cdot 127}{979,4 + 101,3 + 57,6} = -2,63A$$

Нол симдаги ток:

$$I_{к.т.0} = \frac{-3Z_2 \cdot E_a}{Z_1 \cdot Z_2 + Z_1 \cdot Z_0 + Z_2 \cdot Z_0} = \frac{-3 \cdot 23,6 \cdot 127}{979,4 + 101,3 + 57,6} = -7,9A$$

Қисқа туташув токи:


$$I_{к.т.} = \frac{\sqrt{3} \cdot \sqrt{|Z_2^2 + Z_2 \cdot Z_0 + Z_0^2|} \cdot E_a}{|Z_1 \cdot Z_2 + Z_1 \cdot Z_0 + Z_2 \cdot Z_0|} = \frac{\sqrt{3} \cdot \sqrt{|23,6^2 + 23,6 \cdot 2,44 + 2,44^2|}}{979,4 + 101,3 + 57,6} = 0,427A$$

2 – жадвал

**Симметрик ташкил этувчилар усули ёрдамида ҳисоблаш  
натижалари**

Қисқа туташувнинг турлари			
Уч фазали	Икки фазали	Бир фазали	Икки фазали нол

$I_1$	3,06	1,95	1,88	2,91
$I_2$	0	-1,95	1,88	-0,272
$I_0$	0	0	1,88	-2,63
$I_{к.т.0}$	0	0	5,64	-7,9
$I_{к.т.}$	3,06	3,38	5,64	0,427



**1 – расм. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор бир фазали нол қисқа туташувидаги кучланишлар ва токи вектор диаграммаси**

Симметрик ташкил этувчилар усули билан ҳисоблаб топилган 2-жадвал катталиклари асосида, 1-расмда кўрсатилган икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генератор бир фазали нол қисқа туташувидаги кучланишлар ва токи вектор диаграммаси қурилган. Бундан ташқари худди шундай 2-жадвалдаги икки фазали ва икки фазали нол қисқа туташуш режимлари учун ҳам вектор диаграммалари қурилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимлари тадқиқоти**” деб номланиб, Парк-Горев тенгламалар системаси асосида ИЎБҚСГнинг носимметрик қисқа туташуш режимлари математик модели ишлаб чиқилди, ва шу тенгламалардан фойдаланиб носимметрик қисқа туташув режимлари тоқлари ва очиқ фазадаги ўта кучланишларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди. Математик модел асосида Matlab модели ишлаб чиқилиб, ИЎБҚСГларнинг носимметрик қисқа туташув

режимлари токлари ва очик фазадаги ўта кучланишларининг осциллограммалари олинган.

Маълумки, ИЎБҚСГнинг дифференциал тенгламалари нозизиқли ва шу сабабли уларни ечишда маълум қийинчиликлар юзага келади.

Машинанинг бўйлама ва кўндаланг ўқларда бошқа катталикларини ҳам ифодалаш мумкин.  $d$  ва  $q$  ўқларни кўллаб машина барча катталикларини иккита ташкил этувчи орқали ифодалаш орқали тўла алгебро-дифференциал тенгламаларини ифодалаймиз.

Бунда Парк-Горев тенгласидан фойдаланиб қуйидагича ёзамиз:

$$\begin{aligned}
 & \frac{d\psi_d}{dt} + i_d \cdot r_d = 0 \\
 & \frac{d\psi_q}{dt} + i_q \cdot r_q = 0 \\
 u_d = -\frac{d\psi_d}{dt} - \psi_q \frac{d\gamma}{dt} - i_d r & \quad \psi_d = X_d \cdot i_d + X_{ad} \cdot i_{fd} + X_{1d} \cdot i_{1d} \\
 u_q = \psi_d \frac{d\gamma}{dt} - \frac{d\psi_q}{dt} - i_q r & \quad \psi_q = X_q \cdot i_q + X_{aq} \cdot i_{fq} + X_{1q} \cdot i_{1q} \\
 u_{fd} = \frac{d\psi_{fd}}{dt} + i_{fd} \cdot r_{fd} & \quad \psi_{fd} = X_{fd} \cdot i_{fd} + X_{ad} \cdot i_d + X_{1d} \cdot i_{1d} \\
 u_{fq} = \frac{d\psi_{fq}}{dt} + i_{fq} \cdot r_{fq} & \quad \psi_{fq} = X_q \cdot i_{fq} + X_{aq} \cdot i_q + X_{1q} \cdot i_{1q} \\
 u_0 = X_0 \frac{di_0}{dt} + i_0 \cdot r_0 & \quad \psi_{1d} = X_{ad} \cdot i_d + X_{fd} \cdot i_{fd} + X_{1d} \cdot i_{1d} \\
 & \quad \psi_{1q} = X_{aq} \cdot i_q + X_{fq} \cdot i_{fq} + X_{1q} \cdot i_{1q} \\
 & \quad M_\Gamma = \psi_q \cdot i_d - \psi_d \cdot i_q \\
 & \quad \frac{d^2 \delta}{dt^2} = \frac{1}{T_j} (M_T - M_\Gamma) = \frac{1}{T_j} [M_1 - (\psi_q \cdot i_d - \psi_d \cdot i_q)]
 \end{aligned} \tag{6}$$

(6) тенгламалар системасидан фойдаланиб, ИЎБҚСГнинг носимметрик қисқа тутатиш режимларини тадқиқ қилиш MatLab пакети Simulink дастуридаги модели тузилган.

ИЎБҚСГнинг бир фазали қисқа тутатиш режими учун статор занжири оқим илашимлиги тенгласи қуйидагича:


$$\left. \begin{aligned}
 \psi_d &= X_{ad} \cdot (1 + \cos 2\gamma_r) \cdot (i_{fd} + i_{1d}) - X_{ad} \cdot \sin 2\gamma_r (i_{fq} + i_{1q}) - 2(X_d + X_k) \cdot i_d \\
 \psi_q &= -X_{ad} \cdot \sin 2\gamma_r \cdot (i_{fd} + i_{1d}) - X_{aq} \cdot (1 - \cos 2\gamma_r) \cdot (i_{fq} + i_{1q}) - 2(X_d + X_k) \cdot i_q
 \end{aligned} \right\} \tag{7}$$

ИЎБҚСГнинг икки фазали қисқа тутатиш режими учун статор занжири оқим илашимлиги тенгласи қуйидагича:


$$\left. \begin{aligned}
 \psi_d &= \frac{X_{ad}}{2} \cdot (1 - \cos 2\gamma_r) \cdot (i_{fd} + i_{1d}) + \frac{X_{ad}}{2} \cdot \sin 2\gamma_r (i_{fq} + i_{1q}) - X_d \cdot i_d \\
 \psi_q &= \frac{X_{ad}}{2} \cdot \sin 2\gamma_r \cdot (i_{fd} + i_{1d}) + \frac{X_{aq}}{2} \cdot (1 + \cos 2\gamma_r) \cdot (i_{fq} + i_{1q}) - X_q \cdot i_q
 \end{aligned} \right\} \tag{8}$$

ИЎБҚСГнинг икки фазали нол қисқа туташиш режими учун статор занжири оқим илашимлиги тенгламаси қуйидагича:

$$\left. \begin{aligned} \psi_d &= \frac{X_{ad}}{2} \cdot (1 + \cos 2\gamma_r) \cdot (i_{fd} + i_{1d}) + \frac{X_{ad}}{2} \cdot \sin 2\gamma_r \cdot (i_{fq} + i_{1q}) - (X_d + 2X_k) \cdot i_d \\ \psi_q &= \frac{X_{ad}}{2} \cdot \sin 2\gamma_r \cdot (i_{fd} + i_{1d}) + \frac{X_{aq}}{2} \cdot (1 - \cos 2\gamma_r) \cdot (i_{fq} + i_{1q}) - (X_q + 2X_k) \cdot i_q \end{aligned} \right\} \quad (9)$$



**2-расм. ИЎБҚСГ бир фазали қисқа туташиш режими токлари ва ўта кучланишларни ҳисоблаш алгоритми**




**3-расм. ИЎБҚСГ икки фазали қисқа туташиш режими токлари ва ўта кучланишларни ҳисоблаш алгоритми**


(7-9) – тенгламалар ИЎБҚСГнинг статор занжири оқим илашимликлари мос ҳолда икки фазали ва икки фазали нол қисқа туташиш режимлари учун тузилган.

Юқоридаги тенгламалар асосида, қисқа туташиш токлари ва бу вақтдаги очиқ фазадаги ўта кучланишларни тадқиқ қилиш учун Matlab даги модели ишлаб чиқилган. Ушбу ишлаб чиқилган Matlab даги модел ёрдамида бир фазали, икки фазали, икки фазали нол қисқа туташиш режимларида статор токлари ва бу вақтдаги очиқ фазадаги ўта кучланишлар осциллограммалари олинган. Масалан, Matlabдаги модел ёрдамида, 4-расмда ИЎБҚСГнинг бир фазали қисқа туташиш режимида статор токи осциллограммаси келтирилган

ва 5-расмда бу вақтдаги очик фазадаги ўта кучланишлар осциллограммаси келтирилган.



4 – расм. ИЎБҚСГ бир фазаги қисқа туташувдаги статор токи осциллограммаси



5-расм. ИЎБҚСГ бир фазаги қисқа туташувда статор очик фазаларидаги ўта кучланиш осциллограммалари

Диссертация тадқиқотининг тўртинчи боби “Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини тажриба йўли билан текшириш” бўлиб, тадқиқот қилинаётган генераторнинг тузилиши, физик моделнинг яратилиши ва ИЎБҚСГ катталиклари (3-жадвал) тўғрисида маълумот берилган.


### 3 – жадвал

Носимметрик қисқа туташув режимлари тадқиқ қилинаётган бўйлама ва кўндаланг қўзғатишли генераторнинг техник катталиклари

Катталик	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Номинал қувват	кВт	2,2
Айланиш тезлиги	айл/дақ	1500
Статор номинал токи	А	7
Номинал кучланиш	В	380
Қўзғатиш чулгамининг номинал кучланиши	В	220
Ротор номинал токи	А	5
ФИК	%	85
Инерция моменти	Кг*м <sup>2</sup>	0,029
Массаси	кг	18




Физик модел ёрдамида тадқиқ қилинаётган генератор ҳова оралиғидаги магнит индукцияси статор пазлари тишларига маҳкамланадиган ўлчаш рамкалари орқали бир фазали, икки фазали ва икки фаза нол қисқа туташуш режимлар осциллограммалари олинган ҳамда таҳлил қилинган (6-расм).



**6 – расм. СГ (а) ва ИЎБҚСГ (б) бир фазали қисқа туташув режимидаги натижавий магнит индукцияси осциллограммалари**

Физик модел ёрдамида ИЎБҚСГ носимметрик қисқа туташуш режимлари тадқиқ қилиниб осциллограммалари WaveRunner 64Xi-A серияли осциллографда олинган.




**7 – расм. СГ (а), ИЎБҚСГ (б) бир фазали қисқа туташувдаги статор токлари осциллограммаси**

#### 4 – жадвал

**Бир фазали қисқа туташув режимида фаза тоқларининг тажрибавий ўлчов натижаларини таққослаш**

Тури	Статор чулғами фаза тоқи ( $I_a$ )				Қарралиғи
	Берилган		Қисқа туташув тоқи		
	А	н.б.	А	н.б.	
СГ	7,0	1,0	121,18	17,312	17,312
ИЎБҚСГ	7,0	1,0	83,5	12,1	12,1
ИЎБҚСГ матлаб модели	7,0	1,0	91	12,6	12,6



8 – расм. СГ (а), ИЎБҚСГ (б) бир фазали қисқа туташувдаги статор очик фазаларидаги ўта кучланишлари осциллограммаси

### 5-жадвал

#### Бир фазали қисқа туташув режимида очик фазада ўта кучланишларининг тажрибавий ўлчов натижаларини таққослаш

Тури	Кучланиш ( $U_b/U_c$ )				Карралиги
	Берилган кучланиш		Очик фазадаги ўта кучланиш		
	В	н.б.	В	н.б.	
СГ	30	1,0	153/150	5,1/5	5,1/5
ИЎБҚСГ	30	1,0	88,2/85,5	2,94/2,85	2,94/2,85
ИЎБҚСГ матлаб модел	30	1,0	93/90	3,1/3	3,1/3

Яратилган физик тажриба стенди ёрдамида юқоридаги бир фазали қисқа туташуш режими тадқиқоти каби икки фаза, икки фаза нол қисқа туташуш режимларининг ҳам катталиклари олинган бўлиб, бу натижалар 4,5-жадваллардагидек таққосланганда, физик, математик ва имитацион моделларнинг натижаларининг бир-бирига мос келаётганини кўрсатди. Ушбу таққослаш натижалари яратилган моделларнинг тўғри тузилганлигини тасдиқлайди.

### ХУЛОСА

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси “Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторларнинг носимметрик қисқа туташуш режимларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш” илмий иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташуш режимларидаги тоқлари ва бу вақтда очик фазадаги ўта кучланишлар таҳлил килинди ва математик модели ишлаб чиқилди. Натижада икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташуш режимларини математик модели асосида тадқиқ қилишга эришилади.

2. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташуш режимлари тоқлари ва бу вақтдаги очик фазадаги ўта кучланишларни ҳисоблаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилди. Натижада икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг

носимметрик қисқа туташиш режимларини ҳисоблаш методикаси ва алгоритми асосида таҳлил қилишга эришилади.

3. Илк бор Matlab дастурида икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг модели яратилди. Натижада носимметрик қисқа туташув режимларининг имитацион модели ишлаб чиқилиб олинган катталиклар физик, математик модел натижалари билан таққосланиб, тузилган моделларининг бир-бирига мослиги баҳоланади.

4. Икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларини тадқиқ қилиш тажриба модели яратилди. Натижада ток, кучланиш, ҳаво оралиғидаги магнит индукциялар тажриба асосида таҳлил қилинган.

5. Олиб борилган тадқиқотларда, икки ўқи бўйича қўзғатиладиган синхрон генераторнинг носимметрик қисқа туташув режимларидаги зарбавий катталиклари, худди шу қувватдаги оддий синхрон генераторга нисбатан 20-35% кичиклиги ва ўткинчи жараёнларнинг нисбатан тез сўниши, барқарор носимметрик қисқа туташув режимларида электр катталик шакллари эса оддий синхрон генераторникига нисбатан синусоидага яқин бўлиши аниқланди.

6. Кўндаланг қўзғатиш чулғами генераторнинг носимметрик қисқа туташув режим катталикларини яхшилаши аниқланди. Натижада бир фазали қисқа туташишда ток 30,1% га, очик фазадаги ўта кучланишлар 40% га камайди, икки фазали қисқа туташишда ток 30% га, ўта кучланиш 25% га камайди, икки фаза нол қисқа туташишда ток 20% га, ўта кучланиш эса 33% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижалари “Сирдарё” ИЭСнинг битта агрегатида турбогенератор тавсия кўринишида (“Ўзбекэнерго” АЖнинг 2018 йил 15 октябрдаги РМ-01-21/5509-сон маълумотномаси) ва “Ўрта Чирчиқ ГЭСлар каскади”нинг битта агрегатида гидрогенератор тавсия кўринишида (“Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг 2019 йил 26 июндаги 04-05/1539-сон маълумотномаси) жорий қилинганида йилига 186 013 100 сўм иқтисодий фойда келтирди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА НАУК DSc 03/10.12.2019.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОШЕВ ШЕРЗОД ЭРГАШЕВИЧ**

**АНАЛИЗ И МОДЕЛИРОВАНИЕ РЕЖИМОВ НЕСИММЕТРИЧНЫХ  
КОРОТКИХ ЗАМЫКАНИИ СИНХРОННЫХ ГЕНЕРАТОРОВ  
ДВУХОСНОГО ВОЗБУЖДЕНИЯ**

**05.05.02 – Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.  
Электротехнические комплексы и установки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2020.2.PhD/T276.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Пирматов Нурали Бердиёрович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Камолов Тулаган Сирожиддинович</b> доктор технических наук, профессор <b>Арипов Назиржон Мукарарович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский институт инженеров иригации и механизации сельского хозяйства</b>

Защита диссертации состоится «16» 12 2020 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - 186). (Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «04» 12 2020 года.  
(протокол рассылки № «14» от «04» 12 2020 года).



**К.Р. Аллаев**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени,  
доктор технических наук, профессор, академик

**О. Х. Ишнараров**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени,  
доктор технических наук., с.н.с.

**М.И.Ибадуллаев**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёной степени  
доктор технических наук., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Развитие современного спроса на электроэнергию в мире в стратегии развития электроэнергетики по повышению надежности электроснабжения потребителей, поддержанию баланса электроэнергии в системе особое внимание уделяется генераторам, вырабатывающим электроэнергию. В настоящее время в развитых странах «проводятся обширные исследования синхронных генераторов с двухосным возбуждением»<sup>1</sup>. В связи с этим особое внимание уделяется, в частности, исследованию несимметричных режимов короткого замыкания синхронных генераторов с двухосным возбуждением.

В мире в настоящее время проводятся исследования для изучения переходных процессов, происходящих в системах производства, передачи и распределения электроэнергии, а также для поддержания стабильности системы. Исследования в этой области, включая анализ несимметричных режимов работы с усовершенствованием генераторов производящих электроэнергию, являются приоритетными. При этом одной из актуальных задач является повышение эффективности производства качественной электроэнергии без повреждений во время переходных процессов на электростанциях и линиях электропередачи.

Проблемы управления синхронными генераторами в переходных процессах в энергетическом секторе, которая является одной из важнейшей отраслью экономики страны, в то же время проводятся исследования и меры по внедрению, чтобы повысить эффективность производства электроэнергии без повреждений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе: «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики...»<sup>2</sup>. При выполнении этой задачи в том числе, обеспечение бесперебойной работы генераторов в несимметричных режимах работы, бесперебойная подача электроэнергии потребителям, качество электроэнергии, стабильность работы системы, является одна из важных задач.

В Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2343 от 5 мая 2015 года «О Программе мер по сокращению энергоемкости,

---

<sup>1</sup><http://www.energetik.energy-journals.ru/index.php/EN/article/view/367>,

[https://ozlib.com/839900/tehnika/sinhronnye\\_mashiny\\_prodolno\\_poperechnogo\\_vozbuzhdeniya](https://ozlib.com/839900/tehnika/sinhronnye_mashiny_prodolno_poperechnogo_vozbuzhdeniya)

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы» и №ПП-3012 от 26 мая 2017 года « О Программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы», а также для выполнения задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью, исследование данной диссертации служит в определенной степени.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго-и ресурсосбережение».

